

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

НАЖИМОВА АЙСАРА ДУЙСЕНБАЕВНА

**ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ НУТҚИНИ
ЎСТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ МАШҚЛАР ТИЗИМИ
(таълим қорақалпоқ ва ўзбек тилларида олиб бориладиган бошланғич
синфлар мисолида)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (қорақалпоқ тили)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Нажимова Айсара Дуйсенбаевна

Она тили дарсларида ўқувчиларнинг нутқини ўстиришга хизмат қилувчи машқлар тизими (таълим қорақалпоқ ва ўзбек тилларида олиб бориладиган бошланғич синфлар мисолида)..... 3

Нажимова Айсара Дуйсенбаевна

Система упражнений, способствующих развитию речи учащихся на уроках родного языка (на примере начальных классов с каракалпакским и узбекским языками обучения)..... 25

Najimova Aysara Duysenbaevna

System of exercises contribute to the development of students' speech in the native language lessons (on the example of primary grades with the karakalpak and uzbek languages of instruction)..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

НАЖИМОВА АЙСАРА ДУЙСЕНБАЕВНА

**ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ НУТҚИНИ
ЎСТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ МАШҚЛАР ТИЗИМИ
(таълим қорақалпоқ ва ўзбек тилларида олиб бориладиган бошланғич
синфлар мисолида)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (қорақалпоқ тили)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Ped723 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Нукус давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.karsu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ниёзметова Роза Хасановна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдиназимов Шамшетдин Нажимович
филология фанлари доктори, профессор

Нисанбаева Акмарал Калдибаевна
педагогика фанлари номзоди, профессор


Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «31» март кунли соат «10» даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25; факс: (99861) 223-59-25; e-mail: karsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (79 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25.

Диссертация автореферати 2022 йил «16» март кунли тарқатилди.
(2022 йил «16» март даги 1 рақамли реестр баённомаси).


М.С.Қудайберенов
Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш раиси, филол.ф.д.,
профессор

Дж.Н.Сагидуллаева
Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.,
доцент

Т.Т.Утебаев
Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, п.ф.д., доцент

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ёш авлоднинг нутқини ўстириш, хусусан, мулоқот маданиятини ривожлантириш, болаларда она тилининг бой имкониятларидан мақсадга мувофиқ тарзда фойдалана олиш, тингловчига мақбул келадиган оҳангда, равон, таъсирчан гапира билиш, адабий тил қонун-қоидаларига амал қилиш, ўзгалар нутқини тўғри тушуниш малакасини ҳосил қилишнинг методик муаммоларига оид қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Етакчи олимлар, соҳа мутухассислари, амалиётчи-педагоглар она тили таълимининг амалий жиҳатларини кучайтириш, ёшлар нутқини ўстириш мазмунини бойитиш, бу борада янада самарадор иш усуллари ва машқлар тизимини ишлаб чиқиш, тажрибалар асосида такомиллаштириб бориш, ноанъанавий таълим методларидан фойдаланиш масалалари устида изланмоқда.

Дунё миқёсида жумладан, АҚШ, Россия, Қозоғистон ва бошқа мамлакатларда олимлар томонидан болалар ўртасида равон сўзлай олиш, суҳбатни ўринли давом эттириш, мулоқот жараёнида ўз фикрларини тўғри етказа олиш, суҳбатдошини босиқ тинглай олиш ва тўғри тушуниш, бунда ўзларини эркин ва самимий тутиш ҳамда бошқа кўпгина фазилатларни шакллантириш масалаларига катта аҳамият берилмоқда. Шунга кўра, бошланғич синф ўқувчилари нутқини ўстириш учун хизмат қиладиган машқлар тизимини яратишга, рецептив, репродуктив ҳамда маҳсулдор (ижодий) машқларнинг оқилона нисбатини юзага келтиришга, бунда она тили таълимининг амалий жиҳатини оширишга қаратилган илмий изланишларни амалга ошириш муҳимдир.

Республикамызда бошланғич синфларда она тили таълимини тубдан яхшилаш, нутқ ўстириш устуворлигини таъминлаш, ўқувчиларнинг нутқ маданиятини ривожлантириш самарадорлигини оширишга қаратилган миллий дастур устида иш олиб борилмоқда. "...узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш"¹ таълим соҳасидаги устувор йўналиш сифатида белгиланганини назарда тутиб "таълим-тарбия тизимининг барча бўғинларида ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитишнинг ҳамда ушбу соҳа бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг сифатини тубдан ошириш"² вазифа қилиб қўйилди. "Она тили" ўқув фанини ўқитишнинг амалий жиҳатларини кучайтириш, ўқувчилар нутқини ўстириш воситалари, самарали машқлар тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларни махсус тадқиқ этиш ана шу вазифаларнинг ижроси сирасига киради.

Мазкур диссертация тадқиқоти 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни³, Ўзбекистон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлар тўплами. – Т., 2017. – Б. 37.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида"ги ПФ-4797-сон Фармони. // «Халқ сўзи», 2016 йил 14 май, № 94.

³ Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги "Таълим тўғрисида"ги Қонуни Тошкент ш., // Электрон манба lex/uz. 23.09.2020. й. ЎРҚ-637-сон.

Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»⁴, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»⁵ ги фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бошланғич синф она тили дарсларида ўқувчилар нутқини ўстириш муаммолари доимо услубий-олимплар эътибор марказида бўлган. Бу борада Қ.Абдуллаева, Т.Ашрапова, М.Одилова, Н.И.Бекниязова, О.Ғаффорова, Т.Ғаффорова, Х.Ғуломова, Ж.Қайырбаев, К.Қосимова, Х.П.Назарова, А.Қ.Нисанбаева, Ш.Нуриллаева, Р.Ғ.Сафарова, М.Худойберганова, А.Ҳамроев ва бошқаларнинг тадқиқот ишлари⁶ алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу ишларда она тили дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш мазмуни ва методлари умумий йўл-йўриқлар тарзида баён қилинади.

Ҳозирда ўзбек мактабларининг бошланғич синфларида она тили ўқитиш бўйича «Биринчи синфда она тили дарслари», «Иккинчи синфда она тили дарслари», «Учинчи синфда она тили дарслари», «4-синфда она тили дарслари» номли методик қўлланмалар нашр қилинган. Мазкур қўлланмаларда ҳам ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш, гап тузиш, матн мазмунини қайта ҳикоя

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ги ПФ-5712-сон Фармони // Халқ сўзи. – Тошкент, 2019 йил, 29 апрель. - № 88 (7318).

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-6084-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси, 21.10.2020 й. 06/20/6084/1398-сон.

⁶ Abdullayeva Q., Nazarov K., Yo'ldosheva SH. Savod o'rgatish metodikasi. – Toshkent: O'qituvchi, 1996. – 80 b.; Ашрапова Т., Одилова М. Она тили методикаси: Мактаб педагогика билим юртлири учун. Профессор Карима Қосимова тахрири остида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – 183 б.; Бекниязова Н.И. Таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактабларнинг бошланғич синфларида ўқувчилар сўз бойлигини ошириш (предмет белгисини билдирган сўзлар мисолида): Пед. фанлари номз. дисс. – Тошкент, 1998. – 134 б.; Ғаффорова О. Речевые ошибки учащихся начальных классов и пути их преодоления (На материале наманганского говора узбекского языка): Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Ташкент, 1970.; Ғуломова Х., Ғаффорова Т. 1-синфда она тили дарслари. – Тошкент: Шарқ, 2003; Қайырбаев Ж. Саъат ашъў методикаси. – Нокис, «Билим», 1994. – 144 б.; Qosimova K., Matchonov S., G'ulomova X., Yo'ldosheva Sh., Sariyev Sh. Ona tili o'qitish metodikasi: Boshlang'ich ta'lim fakulteti talabalari uchun darslik: - T.: Noshir, – 2009. – 352 b.; Назарова Х.П. Дидактические основы обеспечения коммуникативной грамотности учащихся начальных классов. Автореф. дис...канд. пед. наук. – Ташкент, 2000. – 21 с.; Нисанбаева А.Қ. Ўзбек тили дарсларида матн воситасида ўқувчилар нутқини ўстириш (таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактаблар учун). – Тошкент: Aloqa Print, 2007. – 67 б. Нуруллаева Ш.У. Бошланғич синф она тили дарсларида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш методикаси: Пед.фан.номз. ... дисс.авторереферати. – Тошкент, 2007. – 20 б. Сафарова Р. Она тили таълимининг янгиланган мазмуни ва унинг дидактик асослари. – Тошкент: Фан, 1995. – 107 б. Худойберганова М. va boshq. 3-sinfda ona tili darslari: O'qituvchilar uchun metodik qo'llanma. – Toshkent: O'qituvchi, 2004. – 128 b.; Hamroyev A. Mustaqil ish, ijodiy ish tafvutlari. // Boshlang'ich ta'lim. –Toshkent, 2008.4-son, aprel. – B. 12-13.

қилиш, берилган мавзуда матн яратиш (ҳикоя қилиш)га доир машқларни бажариш юзасидан умумий йўриқлар тавсия қилинган⁷.

МДХ мамлакатларида Н.Н.Алгазина, Е.В.Архипова, Н.М.Белянкова, Л.М.Зеленина, Е.В.Коток, В.А.Кустарева, Т.А.Ладиженская, М.Р.Львов, Н.М.Неусипова, Н.К.Никитина, Т.Г.Рамзаева, Н.С.Рождественский, Г.А.Фомичева, Т.Е.Хохлова, С.В.Юртаевларнинг методик қўлланмалари ва илмий мақолаларида бошланғич синф она (рус) тили дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш масалаларига айрим саҳифалар ажратилган.

Хорижда нутқ устиришга оид дарсларни инглиз тилида олиб бориш, инглиз тилини амалий ўргатиш масалалари бўйича R.J Alexander, R.T Lazar, G.A Warr- Leeper, C.B Nicholson, S.Johnson, C.E Snow, M.V Porche, P.O Tabors, S.R Harris каби олимлар тадқиқот олиб борганлар⁸.

Ўзбек ва қорақалпоқ тилларини ўқитишга доир амалдаги дарсликлар шароитида бу ишлардаги умумий тавсиялардан фойдаланиш мумкин. Илмий манбаларда бошланғич синф она тили дарсларида ўқувчиларнинг нутқини ўстиришга хизмат қилувчи машқлар юзасидан айрим тавсиялар мавжуд бўлса-да, мазкур машқлар етарлича тизим ҳолида эмас, чунки ушбу тизимни ишлаб чиқиш муаммолари бўйича махсус изланишлар олиб борилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ “Бошланғич таълим дарсликларининг янги авлодини яратиш масалалари” (2015-2019 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади таълим қорақалпоқ ва ўзбек тилларида олиб бориладиган бошланғич синфларнинг она тили дарсларида ўқувчилар нутқини изчил ўстиришга хизмат қилувчи машқлар тизимини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

бошланғич синфларнинг она тили дарсларида ўқувчилар нутқини ўстириш мазмун-моҳияти ҳамда машқлар тизими структурасини талқин қилиш;

рецептив, репродуктив ва маҳсулдор машқларнинг мақбул нисбати, ўқувчилар нутқини ўстириш компонентларини тадқиқ этиш;

компетенцияли, коммуникатив, фарқли ёндашувлар устуворлигида она тили дарсларида ўқувчилар нутқини ўстиришга хизмат қилувчи машқлар тизими муаммоларини таҳлил қилиш;

она тили дарсларида репродуктив ва маҳсулдор машқлардан фойдаланиб, нутқ ўстиришнинг самарали методикасини ишлаб чиқиш ва натижадорлигини ошириш.

⁷ G‘ulomova X., G‘afforova T. Ona tili darslari 1-sinf (O‘qituvchilar uchun metodik qo‘llanma (To‘ldirilgan va qayta ishlangan ikkinchi nashr). – Tafakkur: Toshkent, 2012; Qosimova Q. 2-sinflarda ona tili darslari. – Toshkent.: O‘qituvchi, 1998; G‘ulomova X., Yo‘ldosheva Sh., Shermatova U. 4-sinfda ona tili darslari. – Toshkent.: O‘qituvchi, 2003.

⁸ Alexander R.J. Talk in teaching and learning: international perspectives in QCA New Perspectives on English in the classroom. 2003; Snow E, Porche M.V., Tabors P.O., Harris S.R. Is literacy enough? Pathways to academic success for adolescents. 2007; R.T Lazar, G.A Warr- Leeper, C.B Nicholson, S. Johnson Elementary school teachers use of multiple meaning expressions: Language Speech, Hearing Services in Schools 1989.

Тадқиқот объекти бошланғич синфларнинг она тили дарсларида ўқувчилар нутқини ўстиришга хизмат қилувчи машқлар тизимини татбиқ этиш жараёни.

Тадқиқот предмети бошланғич синф она тили дарсларида ўқувчиларнинг нутқини ўстиришга хизмат қилувчи машқлар ҳамда нутқ ўстириш мазмуни, шакли, методлари ва воситалари.

Тадқиқот усуллари. Мавзуга доир назарий ва методик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, дарслар кузатиш, дарсликларни таҳлил қилиш, сўровномалар ўтказиш, ўқитувчилар билан суҳбатлашиш, илғор иш тажрибаларини ўрганиш, назорат ишлари ўтказиш, тажриба-синов, математик ва статистик таҳлил, умумлаштириш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчилари нутқий компетенциясини ривожлантириш жараёнида талаффуз ва имло қоидалари нутқнинг тўғрилигини таъминлашга, сўзлар, морфологик шакллар, синтактик қурилмалар эса нутқни бойитишга хизмат қилиши аниқланиб, ўқувчилар оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш динамикаси асосланган;

нутқ ўстиришнинг коррекциялаш методикаси ўқувчилар учун янги (нотаниш) тил ҳодисаларини нофаол – рецепция (ўқиб ёки эшитиб тушуниш) даражасидагина ўзлаштиришга ёрдам берувчи комплекс модификацион машқлар тизимини ишлаб чиқиш орқали такомиллаштирилган;

сўз бирикмалари ва гаплар тузиш, матн мазмунини қайта ҳикоя қилиш, берилган мавзуда сўзлаш каби машқ турларининг структураси ва бажариш методикасига прагматик (ифодалади) нутқни киритиш орқали репродуктив ва маҳсулдор машқлар тизимининг самарадорлигини оширишга қаратилган модель яратилган;

бошланғич синф ўқувчилари нутқини янги сўзлар, зарур тил бирликлари билан бойитиш, дарсликдаги машқ материалларидан мазкур тил ҳодисаларини ажратиш, уларни мавзуларга бирлаштириш йўллари, когнитив-прагматик, коммуникатив ва интегратив ёндашувлар асосида нутқий ва лингвистик кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган продуктив машқ турлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бошланғич синфлар она тили дарсларида репродуктив ва маҳсулдор машқларни кўпайтириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган;

ўқувчиларнинг фаол сўз бойлигини оширишга доир иш турлари ва топшириқлар ишлаб чиқилган;

компетенцияли ёндашувга асосланган она тили дарсларида репродуктив ва маҳсулдор иш турларини ташкил этиш методикаси тавсия қилинган;

она тили дарсларида ўқувчилар нутқини ўстиришга доир яхлит машқлар тизими аниқ мисоллар асосида баён қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усулларнинг илмий-методик жиҳатдан асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги даражаси математик-статистик методлар

воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти бошланғич синфларнинг она тили дарсларида ўқувчилар нутқини ўстиришнинг назарий, лингводидактик асослари, нутқ ўстиришнинг амалдаги ҳолатини ўрганишдан чиқарилган методик хулосалар, ўзига хос ёндашув ва принциплар, рецептив, репродуктив ва маҳсулдор (ижодий) машқларнинг табиати ҳақидаги талқинлар, машқ турларининг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари, машқларни ўтказиш методикаси ўқитувчиларнинг назарий билимини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган машқлар тизими ўқитувчиларнинг нутқ ўстиришга қаратилган дарс мазмунини лойиҳалашда йўриқ вазифасини бажариши, тавсияларни амалиётга жорий қилиш натижасида ўқувчилар нутқини ўстириш (хусусан, сўз бойлигини ошириш, гап тузиш сифатини яхшилаш) саморадарлиги ортиши билан белгиланади ва тадқиқот натижаларидан олий ўқув юртларида ихтисослик фанларини ўқитишда, малака ошириш курсларида маъруза матнлари сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Она тили дарсларида ўқувчилар нутқини ўстиришга хизмат қилувчи машқлар тизими юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

бошланғич синф ўқувчилари нутқий компетенциясини ривожлантириш жараёнида талаффуз ва имло қоидалари нутқнинг тўғрилигини таъминлашга, сўзлар, морфологик шакллар, синтактик қурилмалар эса нутқни бойитишга хизмат қилиши, ўқувчилар оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш динамикасини аниқлаш, дарсликларда машқ турлари, асосан, рецептив характерда эканлиги, улар ўқувчилар учун янги (нотаниш) тил ходисаларини нофаол – рецепция (ўқиб ёки эшитиб тушуниш) даражасидагина ўзлаштириш каби комплекс модификацион машқлар тизимини ишлаб чиқиш орқали нутқ ўстиришнинг коррекциялаш методикаси такомиллаштиришга доир таклифлардан «Тарбия» фани Концепциясини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2021 йил 19 апрелдаги 03/03-462-сон маълумотномаси). Натижада, коммуникатив, компетенциявий, фарқли ҳамда бир қатор хусусий ёндашув ва принциплар асосида ишлаб чиқилган методик тавсиялар ва амалий материаллар таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

бошланғич синф ўқувчилари нутқини янги сўзлар, зарур тил бирликлари билан бойитиш, дарсликдаги машқ материалларидан мазкур тил ходисаларини когнитив-прагматик, коммуникатив ва интегратив ёндашувлар асосида нутқий ва лингвистик кўникмаларни ривожлантиришга доир таклиф ва тавсиялардан ИТД-1-07 рақамли «Тилшунослик асослари фанидан дарслик, ўқув-услубий мажмуа ва уларнинг электрон нусхаларини яратиш» (2012-2014 йй.) лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 26 февралдаги 02/07-117/04-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич синф ўқувчиларининг коммуникатив,

компетенциявий нутқини ўстириш самарадорлигини таъминлашга эришилган;

сўз бирикмалари ва гаплар тузиш, матн мазмунини қайта ҳикоя қилиш, берилган мавзуда сўзлаш каби машқ турларининг структураси ва бажариш методикасида прагматик (ифодалар) нутқини шакллантириш (гапларни қайта тузиш, мустақил баён қилиш) орқали репродуктив ва маҳсулдор машқлар тизимининг самарадорлигини оширишга доир таклиф ва тавсиялардан ФЗ-2016-0908165532 рақамли «Қорақалпоқ тилининг янги алфавити ва имло қоидаларига мувофиқ она тили ва адабиётини ривожлантириш методикаси» (2017-2020 йй.) фундаментал лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон педагогика илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалининг 2020 йил 18 сентябрдаги 118-сон маълумотномаси). Натижада, она тили дарсларида ўқувчилар нутқини ўстиришга доир ўқув материаллари тизимлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси буйича 26 та илмий иш чоп этилган, жумладан 1 та услубий кўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан 12 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, умумий хулосалар ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳажми 143 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришининг устувор йуналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Она тили дарсларида ўқувчилар нутқини ўстиришга хизмат қилувчи машқлар тизимини яратишнинг назарий ва амалий асослари»** деб номланган биринчи бобида нутқ ўстиришнинг мазмун-моҳияти, структураси талқин қилинган, назарий ва амалий асослари белгилаб олинган. Бунда хорижий ва маҳаллий методист олимларининг илмий хулосалари ва тавсияларидан фойдаланилган. Зеро, бошланғич синфлар она тили дарсларида ўқувчилар нутқини ўстириш масалалари шу методист олимларининг тадқиқот ишлари ҳамда методик кўлланмаларида, илмий мақолаларида ёритилган, уларда қайси машқ турлари ўқувчиларни нутқ

ўстиришга тайёрлаши, қайсилари том маънода шу мақсад учун хизмат қилиши илмий асосланган.

Нутқ ўстириш – методик тушунча, ўқувчининг нутқига уни сифат ва миқдор жиҳатдан ўзгартириш мақсади билан ўтказиладиган таъсир, шу йўлда кўриладиган методик чора-тадбирдир.

Одатда, бошланғич синфлар она тили дарсларида назарий билим ўрганилади, мустақамланади ва такрорлаб борилади. Шубҳасиз, назарий билим ўқувчининг онгига таъсир этади, уни ақлий фаолиятга ундайди, онглилик орқали нутқнинг тўғри бўлишини таъминлайди. Ўқувчининг эришган нутқ савияси дарсдан дарсга турли хил хатолардан холи бўла боради. Буни «бирор савияга эришилган нутқнинг ўсиши» эмас, балки «сайқал топиши» деб аташ тўғри бўлади.

Тадқиқот ишида таъкидлашча, ўқувчилар нутқидаги нуқсонлар, камчиликлар сўз ва сўз шакллари тўғри талаффуз қилиш ва ёзишдагина эмас, балки гап тузишдаги хатолар, матн яратишдаги қийинчиликларда ҳам ўз ифодасини топади.

Бола 1-синфга маълум савияда ривожланган нутқ билан келади. 4-синфни битиргунга қадар ДТСда белгиланган ва ўқув дастурида режалаштирилган даражага етиши ва ундан ўтиб кетиши кутилади. Ўрганилаётган назарий билимлар боланинг нутқини «созлаш» учунгина хизмат қилса, она тили дарсларидан кутилган миқдор ва сифат ўзгаришларига эришиш тўлақонли амалга ошмайди. Масалан, имло қоидалари онглилик асосида сўз ва кўшимчаларни тўғри талаффуз қилиш ва ёзиш ҳақида тушунча бериб, узоқ машқ орқали кўникма ва малака ҳосил бўлиш жараёнини бошқаради, эгалланган сўзлар ҳажмида саводхонликни таъминлайди.

Аён бўладики, назарий билимлар ўқувчилар нутқини миқдор ва сифат жиҳатдан ўзгартирмайди, балки унинг ҳар тарафлама тўғри бўлишига ёрдам беради. Бундай вазиятда нутқнинг ўсиши нисбий тушунилади, чунки таълимий жараён нутқнинг тўғри бўлиши, хатоларнинг бартараф этилиши билан тавсифланади.

Айрим манбаларда ўқувчилар нутқини янги сўзлар, грамматик воситалар, синтактик қурилмалар билан бойитиш жараёни нутқ ўстириш деб тушунтирилган, фикрни боғланишли баён этиш кўникма ва малакалари устида олиб бориладиган ишлар ҳам, нутқнинг коммуникатив жиҳатини ўрганиш ҳам нутқ ўстириш деб таъкидланган.

Юқоридаги тарзда бир томонлама бериладиган таъриф ва тушунтиришлар нутқ ўстириш муаммоларини, йўналишларини яхлит тарзда очиб бермайди. Ана шу каби фикрларни умумлаштирган ҳолда диссертацияда улардаги талқинларни қуйидаги уч йўналиш орқали ифодалаш мумкин бўлган:

- 1) нутқнинг тўғрилигини, нутқ ўстириш динамикасини таъминлайди;
- 2) ўқувчилар нутқини янги сўзлар, сўзларнинг янги маъно қирралари, улар нутқида ишлатилмайдиган грамматик воситалар билан бойитади;
- 3) равон, ифодалади сўзлашнинг асосий омили сифатида коммуникатив нутқнинг интонацион жиҳатларини ўргатади.

Ишда мазкур ҳар бир ҳолат билан боғлиқ муаммоларга айрим-айрим тўхталиб кўриб чиқилган.


Нутқнинг тўғрилигини таъминлаш, юқорида айтилганидек, бевосита нутқ ўстириш эмас, балки ўқувчиларни тингловчи учун тушунарли тарзда сўзлаш, у билан мулоқот қилиш, фикр баён этиш жараёнига тайёрлаш вазифаларини ифода этади.

Назарий билимлар, шу билимлар юзасидан эгалланадиган кўникма ва малакалар нутқ ўстириш учун турли даражада, турли вақт ўлчовида хизмат қилади. Уларнинг самараси ҳам бир хилда эмас. Муаммо шундаки, бири бугун нутқ ўстиришнинг тўғрилигига ёрдам берса, иккинчиси келгусида иш беради. Бирининг кўмаги оз бўлса, яна бириники кўпроқдир. Ўқитувчи шуни ҳам аниқ билиши керакки, назарий билимлар, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш учун мўлжалланадиган машқлар ўқувчиларни нутқий машқларга тайёрлайди, лекин бевосита улар ўрнини босмайди.

Баъзи ҳолларда назарий билимларни мустаҳкамлаш жараёнида ўқувчилардан мавзуга доир сўз ва гаплар билан мисол келтириш талаб этилади. Бундай пайтда репродуктив нутқий фаолият кўрсатилади. Сўз, сўз шакллари, гапларни талаффуз қилиш, эслаб айтиш жараёни уларни нутқда қўллаш жараёнига яқинлашади. Шунга кўра айтиш мумкинки, репродуктив машқлар ҳам ўқувчилар нутқини ўстиришга тайёргарлик босқичини ифода этади.

Сўз, сўз шакллари, гап турларини ўқувчилар нутқига олиб кириш, фаоллаштириш учун маҳсулдор (продуктив) нутқий машқлар ташкил этиш лозим бўлади.

Ишда юқорида баён этилган мушоҳада ва мулоҳазаларга асосланган ҳолда нутқ ўстириш куйидаги модель (структура) кўринишида тасвирланган (1-расмга қаранг).



1-расм. Нутқ ўстириш модели (структура)

Замонавий мактаб таълими жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини ўстиришга катта эътибор берилмоқда, чунки *нутқ ўстириши ва мустақил фикрлаш* ўзаро алоқадор соҳалардир. Шунинг учун, мустақил фикрлашга ўргатишда нутқий машқларнинг ўрни катта. Тушунча англатувчи сўзни билиш инсонга ушбу тушунчани нутқда ишлатиш, шу сўзнинг маъно кўлами доирасида фикрлаш имконини беради. Сўзлар тушунчалар орасидаги алоқалар, муносабатларни ифодалаш, фикр билдириш имконини берган ҳолда синтактик қурилмаларга бирлашади. Мантиқий тафаккур бошланғич синфларда шаклланади, инсоннинг бутун умри давомида такомиллашиб боради. Инсон фикри тил шакллари тусини олади. Фикр мазмуни қанчалик мураккаб бўлмасин, синтактик қурилмалар ва морфологик шаклларда баркамол ифода топади.

Ўқувчилар нутқининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш мақсадида Нукус шаҳридаги 3, 25, 38, 43-мактабларнинг бошланғич синфларида она тили дарслари кузатилди, ўқувчиларнинг оғзаки нутқига эътибор берилди, ёзма ишлар таҳлил қилинди. Ўқитувчилар дарсларни дарслик материаллари асосида ташкил этишларини назарда тутиб, биринчи навбатда ана шу материаллар атрофлича ўрганилди.

Диссертацияда таълим қорақалпоқ ва ўзбек тилларида олиб бориладиган бошланғич синфлар учун она тилидан яратилган дарсликларнинг⁹ машқлари қуйидаги уч турга ажратилган:

1) рецептив нутқий фаолият характерида бажариладиган машқлар (қисқача – рецептив машқлар);

2) репродуктив нутқий фаолият характерида бажариладиган машқлар (репродуктив машқлар);

3) маҳсулдор нутқий фаолият характерида бажариладиган машқлар (қисқача – маҳсулдор машқлар).

Дарсликларда рецептив машқлар тўрт хил материаллар асосида тақдим этилади: 1) сўзлар; 2) гаплар; 3) матнлар; 4) шеър, топишмоқ, мақол ва маталлар. Ушбу турдаги машқларни бажариш (берилган сўзларни, гапларни, матнни, шеър, топишмоқ ва бошқаларни ўқиш, ўтилаётган тил ҳодисасига доир мисолларни аниқлаш ва изоҳлаш) жараёнида ўқувчилар таниш сўз ва сўз шакллари эслайдилар, нотаниш сўзлар ва грамматик воситалар билан танишадилар, гаплар ёки матнлар ифода этган мазмун орқали ўзлари билган нарсаларини эсга оладилар, билмаганларидан хабар топадилар, мавзу ва мазмун билан боғлиқ қарашларини кенгайтирадилар, айрим ифодаларни пассив даражада эслаб қоладилар. Шунга кўра ҳам буларнинг ҳаммаси рецепция саналади.

9 Qutlimuratov B., Qutlimuratova G. Ana tili. Grammatika, orfografiya hám til ósiriw. 1-klass ushin. 21-basilim. – Nókis: Bilim, 2019; Qutlimuratov B., Xojamuratova Q., Qutlimuratova G. Ana tili. Grammatika, orfografiya hám til ósiriw. 2-klass ushin sabaqlıq. – Nókis: Qaraqalpaqstan, 2018; Dáwenov E., Uspanova J., Abdijabbarova X. Ana tili. Grammatika, imla hám til ósiriw. 3-klass ushin sabaqlıq. – Nókis: Qaraqalpaqstan, 2019; Dáwenov E., Qudaybergenov M., Uspanova J. Ana tili. Grammatika, durus jazıw hám til ósiriw. 4-klass ushin sabaqlıq. – Nókis: Qaraqalpaqstan, 2017; G'afforova T. va boshq. Ona tili: 1-sinf uchun darslik / Muall. G'afforova T., Shodmonov E., G'ulomova X. – T.: Sharq, 2017; Qosimova K. va boshq. Ona tili: 2-sinf uchun darslik (Qosimova K., Fuzailov S., Ne'matova A.). 14-nashri. – Toshkent: Cho'lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2018; Fuzailov S., Xudoyberganova M., Yo'ldosheva Sh. Ona tili. 3-sinf uchun darslik. – Toshkent: O'qituvchi, 2019; Ona tili: 4-sinf uchun darslik // Ikromova R., G'ulomova X., Yo'ldosheva Sh., Shodmonqulova D. – Toshkent: O'qituvchi, 2020. – B. 160.

Репродуктив нутқий фаолият репродукция, яъни нусха кўчириш, айнан такрорлаб айтиш ёки ёзиш (қайдлаш) маъносини ифодалайди. Ўқувчи айтадиган гаплар машқ материалларини – тайёр савол-жавобларни, терма гаплар ёки матн таркибида келтирилган гапларни ўзлаштириб ифодалайди.

Репродуктив машқлар сўз ва грамматик воситаларни тайёр сўз бирикмалари, гаплар орқали ўқувчилар нутқида ишлатишга *кўниктириши*, яъни *кўникма* ҳосил қилиш мақсадига эга.

Маҳсулдор (продуктив) нутқий фаолият сўз ва грамматик воситаларни мустақил равишда ишлатган ҳолда фикр баён қилиш, яъни ўз нутқ маҳсулини яратиш деган маънони англатади. Ушбу гуруҳга берилган сўзлардан гаплар тузиш, бирор мавзуда ёки расмга қараб ҳикоя қилиш (матн тузиш ёки иншо ёзиш) машқларини киритиш лозим бўлади.

Маҳсулдор машқлар, сўз ва грамматик воситаларни нутқда қўллаш *малакасини* шакллантириш орқали бевосита ўқувчилар нутқини ўстириш учун хизмат қилади.

Диссертацияда учала гуруҳга мансуб машқлар миқдори ҳисоблаб чиқилган. Таҳлил асосида олинган кўрсаткичлар қуйидаги жадвалда умумлаштириб берилган (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

1-IV синфлар учун она тилидан яратилган дарсликларда рецептив, репродуктив ва маҳсулдор машқларнинг умумий миқдорий кўрсаткичлари

Синфи	Машқлар сони	Рецептив машқлар сони	Репродуктив машқлар сони	Маҳсулдор машқлар сони
«Ана тили»				
1-синф	233	196 – 84,5%	21 – 8,6	16 – 6,9%
2-синф	209	160 – 76,6	15 – 7,1	34 – 16,3
3-синф	355	302 – 85	13 – 3,6	42 – 11,8
4-синф	421	378 – 89,8	1 – 0,2	42 – 10,0
«Она тили»				
1-синф	192	168 – 87,5	16 – 8,3	8 – 4,1
2-синф	300	255 – 85,0	18 – 6,0	27 – 9,0
3-синф	365	303 – 83	18 – 4,9	43 – 11,7
4-синф	476	441 – 92,7	3 – 0,7	31 – 6,6
Жами	2551	2204 – 86,6	104 – 4,1	243 – 9,3

Жадвалда келтирилган рақамлардан маълум бўладики, таълим қорақалпоқ ва ўзбек тилларида олиб бориладиган мактаблар учун она тилидан яратилган дарсликларда рецептив характердаги машқлар умумий машқлар миқдорининг ўрта ҳисобда 86,6%ини ташкил қилади. Репродуктив машқлар ўрта ҳисобда 4,1%ни, маҳсулдор машқлар 9,3%ни ифода этади. Рақамли кўрсаткичлар бевосита ўқувчилар нутқини ўстириш учун хизмат қилувчи машқларнинг озлигидан далолат беради.

Диссертацияда машқларнинг сифатини туширадиган айрим ҳолатлар таҳлил қилинган. Масалан, 2-синф «Ана тили» дарслигида икки машқда (7- ва 84-машқларда) сўзлаш талаб этилган бўлса, иккаласида ҳам таянч сўзлар берилган. Бу нарса ўқувчилар мустақиллигини нисбий қилиб қўяди.

Мазкур дарсликда эркин сўзлашга бирмунча монелик кўрсатадиган ҳолат матнларнинг мавжудлигидир. 9 та машқ материали сифатида матн ҳам берилган, айримларида режа ҳам келтирилган.

Рецептив машқларни бажариш жараёнида танишилган айрим янги сўзлар аксарият ҳолатларда репродуктив машқларда мустаҳкамланмайди, иккала машқ тури орқали ўрганилган янги сўзлар, сўзларнинг янги кашф этилган маънолари эса маҳсулдор машқларда учрамайди, яъни улардан фойдаланиб ўқувчилар нутқини бойитиш устида иш олиб борилмайди.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, айрим ўқитувчилар она тили дарсларида ўқувчиларга матн мазмунини қайта ҳикоя қилдиришда аксарият ҳолатларда уни ёд олдиришга яқин турадиган, деярли бир хил иш усулини қўллайдилар: саволларга матндаги гаплар билан жавоб қайтариш; матнни ёд олиб гапириб бериш ва бошқалар. Бундай машқлар нутқ ўстиришга оз даражада хизмат қилади. Ўқувчилар янги сўзларни нутқда ишлатиш вазиятида бўлмайдилар, шунинг учун бу сўзлар етарли фаоллашмайди. Қайта ҳикоялаш ўқувчилардан мустақил равишда гап тузишни талаб этмагач, улар матн мазмунини «ўз сўзлари» билан сўзлаб бериш борасида тайёргарлик кўрмайдилар.

Диссертациянинг «**Она тили дарсларида ўқувчилар нутқини ўстиришга хизмат қилувчи машқлар тизими ва ундан фойдаланиш методикаси**» деб номланган иккинчи бобида дастлаб бошланғич синфлар она тили дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришда амал қилинадиган ёндашув ва принциплар белгилаб олинган.

Она тили дарсларида ўқувчилар нутқини ўстириш жараёнини ташкил этишдаги асосий ёндашувлардан бири **педагогик технологиядан онгли равишда фойдаланиш**дир. Бу борада методист олима Ш.Юсупованинг куйидаги фикри ўринлидир: «Ноанъанавий усуллар ўқитишнинг замонавий технологиялари таркибига кириб, таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асосий мақсади сифатида ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга мўлжаллангандир. Ноанъанавий дарс ва усулларнинг қўлланиши кўр-кўрона, шаклбозлик учун бўлмаслиги керак. Ишотланмаган тарзда ҳар хил усулларнинг олиб борилиши самарасизгина эмас, балки зарарли ҳамдир»¹⁰.

Ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришда **коммуникатив ёндашув** алоҳида ўрин тутаяди. Бирор буюм ёки воқеа-ҳодиса ҳақида ҳикоя қилинса, бунда тингловчининг у билан танишлик даражаси ҳисобга олинса, баён бирор янгиликни етказиш сари қаратилиб, коммуникативлик тусини олади. Зеро, мулоқот жараёнида суҳбатдошларнинг бир-бирларига айтадиган гаплари шу аснода қурилади. Агар суҳбатдошлардан бири ҳаммага маълум нарса тўғрисида гапира бошласа, унинг нутқи тўхтатиб қўйилади. Бу: «Биз буни эшитганмиз (кўрганмиз, биламиз ...)», - деган гаплар орқали амалга оширилади.

Маҳсулдор машқларни ташкил этишда, биринчи навбатда, нутқ ўстириш мазмунига кирувчи, яъни **нутқда фаоллаштириш учун мўлжалланган унсурларни (янги сўзлар, грамматик воситаларни) ҳисобга олиш принциpidан** келиб чиқилади. Ушбу принципни татбиқ этиш учун маҳсулдор машқларда

¹⁰ Юсупова Ш.Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили дарсларида ўқувчилар тафаккурини ўстиришнинг илмий-методик асослари (академик лицейлар мисолида): Пед.фан.доктори ... дисс.авторреферати. – Тошкент, 2005. – 25-б.

рецептив ва репродуктив машқ материаллари орқали шу дарсда ёки ўқув йили мобайнида танишилган лексика ва грамматика, талаффуз ва имло қоидалари, тиниш белгиларини кўзда тутиш зарур бўлади.

Бошланғич синфлар она тили дарсларида рецептив, репродуктив ва маҳсулдор (ижодий) машқлар ўртасида оқилона нисбат ўрнатиш, шу мақсад йўлида амалдаги «Она тили» дарсликлари шароитида *маҳсулдор (ижодий) машқ турларини кўпайтириш принципини* ўқувчилар нутқини ўстириш самарадорлигини оширишга қаратилган асосий принциплардан бири деб ҳисобламоқ лозим.


Тажрибаларнинг кўрсатишича, ҳар бир дарсдан 10-15 дақиқа вақт ажратиб, берилган сўзлардан мустақил равишда (тарқоқ сўзлардан фойдаланмаган ҳолда) гап тузиш машқини ҳам маҳсулдор машқ тури сирасида киритиш мумкин. Шу тариха машқ турларини кўпайтирган ҳолда барча дарслар ва дарс босқичларида лексик ва грамматик материалларни фаоллаштириш имкониятлари туғилади. Бир дарсда гап тузиш, иккинчи дарсда матн мазмунини ўз сўзлари билан (ижодий) қайта ҳикоя қилиш, учинчи дарсда берилган мавзуда ҳикоя қилиш талаб этиладиган машқ турлари бир-бирини алмаштириб келади. Бу билан юқори самарадорликка эришилади.

Нутқ ўстириш нимага қаратилганлигига қараб машқлар дарсда ўрганиладиган лексик ва грамматик материаллар билан турли даражада боғланган турларини ҳосил қилади: 1) сўз ва грамматик воситаларни нутқда фаоллаштириш кўзда тутилладиган машқлар; 2) гапириш тарзи устида ишлаш мўлжалланадиган машқлар; 3) нутқ маданияти, жумладан, мулоқот маданиятини сингдириш мақсадидаги машқлар.

Бизнинг фикримизча, нутқ ўстириш таъминланган тақдирдагина нутқий машқлар тизими самарали ҳисобланади. Шунга кўра ҳар дарсда нутқ ўстириш учун қулай бир муҳит яратилиши, аниқ ва тушунарли қилиб гапиришга интилиш вужудга келтирилиши лозим. Доимий равишда қаратиладиган бундай эътибор ана шу муҳитдан далолат бериб туради. Мактабда ҳам нутқ маданияти учун курашдан иборат умумий соғлом муҳит ҳукмрон бўлиши керак.

Амалиётда, она тили дарсларида ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш ва фаоллаштиришга қаратилган тайёрловчи (рецептив, репродуктив) ва маҳсулдор машқлар луғат минимуми даражасида режалаштирилмайди, чунки бундай минимум ҳануз ажратилмаган. Одатда, бу ишлар машқ материалларидан келиб чиқиб амалга оширилади. Бошланғич синфлар учун она тилидан яратилган дарсликларда бир дарс мобайнида ўрганиладиган сўзлар кўпинча мавзу жиҳатдан тарқоқ бўлади. Масалан, тадқиқотда 2-синф «Она тили» дарслигидан биз машқлар тартибида ажратиб чиққан сўзлашувга хос янги сўзлар куйидагилар: 2-машқ. Ардоқлаймиз, бепоён. 3-машқ. Донғи тутган, дунё, бўстон. 4-машқ. Тупроқ, азиз. 6-машқ. Чақнаган, ялт-юлт, фойда, жилмайиб, синаб кўр. 7-машқ. Давлат (бойлик), қиммат. 8-машқ. Озиқ бўлмоқ. 11-машқ. Ёқимли. 15-машқ. Билак, тилак, тола, савоб. 16-машқ. Тенглик, тинчлик ва бошқалар.

Ўтилган дарсларда ўрганилган бу каби янги (нотаниш) сўзлар асосида кластер тузиш, уядош сўзлар рўйхатларини тайёрлаш, турли дидактик ўйинлар ташкил этиш фойдали. Кластер усули билан ҳам сўзларни бир тушунча атрофида бирлаштириш иши амалга оширилади. Масалан:



Турли ўйинлар муносабати билан анча сўзлар эсланиши мумкин. Ушбу жараёнда ҳам айрим нотаниш сўзлар билан танишув юз беради. Ш.Юсупованинг таъкидлашича, «Ўқувчилар майдондан яна бир қанча майдончалар ҳосил қилишни билсалар, уларнинг луғат бойлиги ошади, тафаккури ривожланади»¹¹.

Маълумки, нутқий машқлар самарадорлиги фаол сўз бойлигининг ортиб боришида яққолроқ, *грамматик воситалар бойлигининг ортишида* билинар-билинамас намоён бўлади. Мулоқот маданиятининг шаклланиши яна ҳам сушт кечади. Нутқ маҳсулининг ҳажми, мазмундорлиги ҳам аста-секинлик билан ортиб боради. Бир-икки дарсда кузатилмаган муваффақият ўнлаб дарслар натижаси ўлароқ бориб-бориб ўзини намоён этади. Бизнинг фикримизча, натижа бирданига кўрина қолмайди.

Икки сўзни ўзаро боғловчи грамматик воситалардан фойдаланиш малакасини эгаллаш йўналишидаги машқлар сўзларнинг бирикувчанлигини ҳам ўз ичига олади. Шунинг учун, ушбу йўналишдаги машқлар биринчи йўналишдаги машқлар билан қўшилиб, аралаш машқлар характерини олади.

Диссертацияда ўқувчиларни сўз бирикмалари тузишга ўргатиш учун хизмат қиладиган машқ турлари кенг ёритилган. Бунда таълим мазмунига алоҳида эътибор берилган. Чунончи, тавсияларга кўра машқларда кейинроқ кўмакчили боғланишга алоқадор мисоллар қатнаштирилади. Бундай боғланишда ўқувчи уч сўзни кўради, лекин икки сўз бирикаётгани фактига дуч келади. Баъзан икки сўзни ўзаро боғловчи воситага эътиборни кучайтириш учун уч устундан фойдаланишга тўғри келади. Бунда биринчи ва учинчи устунда мураккаб сўзлар, ўртадаги иккинчи устунда қўшимчалар ёки кўмакчилар берилди:

мектеп	-ке	тоқтади
оқуё	алдында	шықты
ўй	-дан	кетти

Ўқитувчи қўшимчаларнинг (- ке, - дан) сўзга қўшиб ёзилишини ифодалаш учун уларнинг олдига чизикча қўйилгани, *алдында* сўзи ўздан олдин келадиган сўздан ажратиб ёзилишини кўрсатиш учун чизикча қўйилмаганини таъкидлайди.

3- ва 4-синфларда дастлаб берилган сўз бирикмаларини уч хил боғланиш воситаларига кўра (қўшимчасиз, қўшимча ёрдамида, сўз –

¹¹ Юсупова Ш. Она тили таълими самарадорлигини оширишда илғор педагогик технологияларни жорий этиш (ноанъанавий усуллар ва компьютердан фойдаланиш): Пед. фан.номзоди ... дисс. – Тошкент, 1998. – 20-б.

кўмакчи ёрдамида) уч гуруҳга ажратиб кўчириш талаб этиладиган машқлар тавсия қилинади. 4-синфда уларга тўртинчи хил боғланиш (ҳам кўшимча, ҳам ёрдамчи сўз орқали) кўшилади. Масалан: *қорамтир булутлар, фавворадан отилаётган, ҳайкал олдига бор, ёнғинга қарши кураш,...*

Кўшимчасиз боғланган сўз бирикмалари	Кўшимча ёрдамида боғланган сўз бирикмалари	Сўз ёрдамида боғланган сўз бирикмалари	ҳам кўшимча, ҳам сўз ёрдамида боғланган сўз бирикмалари
қорамтир булутлар	фавворадан отилаётган	ҳайкал олдига бор	ёнғинга қарши кураш
...	

Ишда гаплар ва матнлар асосидаги машқларга кенг доирадаги вазифаларни бажариш нуқтаи назаридан қараш тавсия этилади.


Таълим қорақалпоқ ва ўзбек тилларида олиб бориладиган бошланғич синфларнинг она тили дарсларида гап тузиш, матн мазмунини қайта ҳикоя қилиш, шеърӣ парча, мақол, топишмоқ мазмуни ҳақида мушоҳада юритиш талаб этиладиган машқлардан, бир томондан, назарӣ билимларни мустаҳкамлаш, иккинчи томондан, нутқ ўстириш, учинчидан, таълим-тарбия вазифаларини адо этиш мақсадида фойдаланилади. Бундай машқларни ўтказиш самарадорлиги ўқувчилар нутқининг равон бўлишига эришиш, уларнинг сўз бойлигини ошириш, гап тузишдаги ранг-баранг синтактик қурилмалардан фойдаланиш, бу ишда болалар мустақиллигини орттира бориш, ҳаётӣ тажрибасини бойитиш каби вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишига боғлиқ.

Ишда бошланғич синфлар учун она тилидан яратилган дарсликларда берилган аксарият матнлар ўқувчилар учун тушунарлилик нуқтаи назаридан таҳлил қилинган.

Матн мазмунини қайта ҳикоя қилиш усули ўзининг диагностика ва мониторинг олиб боришнинг муҳим воситаси эканлиги билан ҳам қимматлидир. Нутқнинг ўсаётганлиги матн мазмунини «ўз сўзлари» билан қайта ҳикоя қилиш йўлидаги муваффақиятларда яққол кўзга ташланади.

Тадқиқот ишида таъкидланишича, ҳикоя қилишга тайёрланиш ва бевосита сўзлаш жараёнида фаоллаштириладиган лексик ва грамматик материаллардан иборат таълим мазмунига доир ишлар, ҳикоялашда ўқувчиларнинг мустақиллигини ошира боришнинг аҳамияти катта. Аслида, 4-синфга келганда берилган мавзуда мустақил равишда сўзлаш машқлари устуворлик касб этиши керак. Амалиётда ҳам, методика илмида ҳам бу борадаги ишларнинг изчиллиги, динамикаси билан боғлиқ мақбул тажрибалар тўпланаётган бўлса-да, ушбу муаммолар етарлича ҳал қилинмай қолмоқда.

Ҳикоя қилишнинг нутқ ўстиришдаги аҳамиятини схематик тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин (2-расмга қаранг).



2-расм. Хикоя қилиш устидаги ишлар динамикасининг схематик тасвири.

